

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
Тошкент тиббиёт академияси  
ректори, профессор  
Л.Н.Туйчиев  
«   » декабр 2017 йил

Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши йиғилишининг  
\_\_5\_\_ сонли БАЁНИ

Тошкент шаҳар

« 29 » ноябр 2017 йил

**Раислик қилувчи:** Л.Н.Туйчиев - Тошкент тиббиёт академияси  
ректори, профессор  
**Қатнашдилар:** Тошкент тиббиёт академиясининг  
Илмий Кенгаш аъзолари (рўйхат  
бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

1. “Клиник ва клиникагача бўлган фанларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш бўйича ТТА кафедраларида амалга оширилаётган ишлар.  
**Маърузачи** – ўқув ишлари бўйича проректор Боймурадов Ш.А.
2. ОМХ факультетида ўқув, ўқув-услубий ва тарбиявий ишлар ҳолати, муаммолар ва режалар.  
**Маърузачи** – ОМХ факультети декани Бакиева Ш.Х.
3. Профессор-ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш.  
**Маърузачи** – Комиссия раиси.
4. Диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш.  
**Маърузачи** – ОТМ кенгаш котиби.
5. Турли масалалар.

ТТА ректори Л.Н.Туйчиев Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 17 ноябр 364-К-сонли буйруғига асосан Ғофур Неъматбекович Султановни 2017 йил 20 ноябрдан Тошкент тиббиёт

академияси Фарғона филиали директори лавозимига тайинланганлиги билан табриклади.

1-сонли факултет ва госпитал терапия кафедраси доценти **Махмудова Шарипа Курашевна** ва тиббий педагогика факултети декани **Хамраев Асрор Асрарович** - Ўзбекистон Республикаси “Соғлиқни сақлаш аълочи” кўкрак нишони олганлиги муносабати билан табрикландилар.

Атроф муҳит ва гигиенаси кафедраси катта ўқитувчиси **Шарипова Сожида Ахметжановна** ва тиббий-педагогика факултетининг юқумли ва болалар касалликлари кафедраси доценти **Абидов Акрамжон Буриевич**, - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **Фахрий ёрлиғи** олганлари муносабати билан табрикландилар.

Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси доценти **Ф. Л. Азизова**, 2-сон акушерлик ва гинекология кафедраси доценти **Д.Ю.Юлдашева**, Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси доценти **М.И.Шамсутдиновалар** тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини олганликлари билан табрикландилар.

Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси доценти **С.Ю. Курбанова**, ички касалликлар 2-кафедраси доценти **М. Х. Тагаева**, Ижтимоий фанлар кафедраси доценти **Ф.С.Атамуратоваларни** доцент унвони олганликлари билан табрикландилар.

Ўзбекистон Республикаси тиббиёт олийгохлари ўртасида ўтказилган танловларда неврология кафедраси доценти **Якубова Мархамат Миракромовна** йилнинг энг яхши доценти (2-ўрин) номига сазовор бўлганликлари билан табрикландилар.

Одам анатомия ва ОЖТА кафедраси профессори, Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Миршарапов Ўткир Миршараповични** 70 ёш Юбилейлари, 1-сон акушерлик ва гинекология кафедраси мудир **Аюпова Фарида Мирзаевна** 60 ёшлари, факултет ва госпитал жаррохлиги кафедраси профессори **Суннатов Равшан Джалилович** 50 ёш Юбилейлари муносабати билан табрикландилар.

Даволаш факультети 6 курс 609 гуруҳ талабаси **Саатова Умида Миржалоловна** Ўзбекистон Республикаси **Ибн Сино** давлат стипендияси, даволаш факультети 6 курс 603-гуруҳ талабаси **Олмосов Равшан Шерхон ўғли** Ўзбекистон Республикаси **Ислом Каримов** давлат стипендияси голиби бўлганлиги билан табрикландилар.

Республикада 2017 йил давомида Олий таълим муассасаларининг талабалари ўртасида ўтказилган Футбол мусобақаларида ТТА нинг “Шифокор” талабалар футбол жамоаси фахрий 2-чи ўринга эга бўлишди. Футбол жамоаси мураббийи **Д.Р.Давлетмуротов** 2-даражали диплом билан, жамоа сардори - тиббий профилактика факультети талабаси **Лочинбек Бойқобилов** “Энг яхши ўйничи” деб тан олинди ва махсус диплом билан тақдирланди. ТТА нинг “Шифокор” талабалар футбол жамоасининг барча аъзолари махсус диплом олганлиги муносабати билан табрикландилар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Кун тартибининг биринчи саволи бўйича ўқув ишлари бўйича проректор Боймурадов Ш.А. маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ҳисоботи қоникарли деб қабул қилинсин.

1.1. Циклопредмет секциялари раислари томонидан кафедра мудирлари иштирокида ишчи гуруҳ тузилиб, ўқув режа ҳамда амалий кўникмалар танқидий таҳлил қилинсин ва мувофиқлаштирилсин.

**Масъул: ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов  
циклопредмет секциялари раислари  
ўқув бўлими, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2018 йил 31 март**

1.2. Циклопредмет секцияларида йўналишлар бўйича (хирургия, терапия, гигиеник ва фундаментал фанлар) кафедра мудирлари билан биргаликда маъруза ва амалий машғулотлар мавзуларини кетма кетлиги ва мослиги кўриб чиқилсин.

**Масъул: ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов  
циклопредмет секциялари раислари  
ўқув бўлими, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2018 йил 10 январ**

2. Кун тартибининг иккинчи саволи бўйича – Олий маълумотли ҳамшира декани Бакиева Ш.Х. маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ҳисоботи қоникарли деб қабул қилинсин.

2.1.ОМХ факультетига дарс берувчи кафедраларда ўқув, ўқув-услубий, мажмуалар қайта кўриб чиқилсин, адабиётлар яратилсин, ўқув ва илмий фаолият доирасида хорижий етакчи университетлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилсин.

**Масъул: ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов  
ОМХ факультети декани Бакиева Ш.Х.  
ўқув бўлими, кафедра мудирлари**

**Муддат: йил давомида**

2.2. Мутахассислик кафедраларида амалий машғулотлар талаб даражасида олиб борилсин ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш учун шароитлар яратилсин.

**Масъул: ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов  
ОМХ факультети декани Бакиева Ш.Х.  
ўқув бўлими, кафедра мудирлари**

**Муддат: йил давомида**

2.3. ОМХ факультети бўйича кафедра мудирлари иштирокида иш гуруҳ тузилиб, хорижий университетлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Олий ҳамширалик иши” йўналиши бўйича Республика тиббиёт институтлари профессор-ўқитувчилари, соҳанинг етакчи мутахассислари ва магистрантлари учун илмий-амалий семинар ташкил қилиш ва унда – таълим фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий таъминоти; ташкилий-бошқарув таркиби; ресурс таъминоти (кадрлар, ўқув-услугий, ахборот, кутубхона, моддий-техник в.х.к. билан); мутахассисларни тайёрлаш таркиби; мутахассисларни тайёрлаш мазмуни; ўқув жараёнини ташкил этиш; битирувчиларни тайёргарлигини баҳолаш; таълим сифатини баҳолашни ташкил этиш ва битирувчиларни иш билан таъминланиши масалалари кўриб чиқилиши ва чора-тадбирлар режаси билан тегишли идораларга таклиф киритилсин.

**Масъул: ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов**  
**ОМХ факультети декани Бакиева Ш.Х.**  
**ўқув бўлими, кафедра мудирлари**  
**Муддати: йил давомида**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

3. Кун тартибининг учинчи саволи Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш бўйича ОТМ кенгаш котиби Г.А.Исмаилова номзодлардан ариза келиб тушмаганлигини билдирди.

4. Кун тартибининг тўртинчи саволи – Диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш бўйича ОТМ кенгаш котиби Г.А.Исмаилова таништирди. (1-илова).

5. Турли масалалар бўйича:

а) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Олий таълим вазирликларидан келган буйруқлар билан ички назорат инспекцияси ва мониторинг бўлими бошлиғи профессор Ў.М.Миршарапов таништирди. (2-илова).

б) Базарбаев М. ТТА Веб сайтининг ҳолати ва уни тўлдириш қонун қоидалари бўйича маълумотлар берди.

в) Тошкент тиббиёт академиясининг тўғараклар ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими НИЗОМИ тасдиқланди.

г) Докторлик ва PhD бўйича диссертация мавзулари тасдиқланди (3-илова).

д) Академик лицей ва коллежлар билан ишлаш проректори С.Р.Баймаков 2017 йил 26 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “ОТМ ларга кириш учун муносиб номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги №3290-сонли қарорининг “ОТМларнинг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик


лицейлар учун ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда Академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи берилиши” кўрсатилган 5 банди ижросини таъминлаш бўйича маълумот берди ва шу мақсадда Тошкент тиббиёт академияси Академик лицейига 200 млн. сўм миқдорида амалий ёрдам кўрсатишни 2018 йили режасига ўрнатилган тартибда киритилиши таъминлансин.

Кенгаш ўз ишини якунлади.  
Кенгаш котиби, т.ф.д., проф.




Г.А. Исмаилова

Ўқув ишлари бўйича  
проректори



Ш.А.Боймуратов

Илмий ишлари бўйича  
проректори



Т.А.Набиев

Маънавият-маърифат ишлари  
бўйича проректор



Т.А. Бобомуратов

Молия иқтисодиёт ишлари  
бўйича проректор



И.Х. Магзумов

Академик лицей ва коллежлар  
бўйича проректор



С.Р. Баймаков

ОМХ факультет декани



Ш.Х.Бакиева